



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МЕХАНИЗМ

Калмуратов Т.Н.

МТТДМҚТМОИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

Таянч сўзлар: методик маҳорат кунни, методик маҳорат соати, касбий билим, мастер-тренер, тренер (ментор), касбий ривожлантириш.

Ключевые слова: день методического мастерства, час методического мастерства, профессиональные знания, мастер-тренер, тренер (наставник), повышение квалификации.

Key words: day of methodological mastery, hour of methodological mastery, professional knowledge, master trainer, trainer (mentor), advanced training.

Резюме:

Мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларининг касбий ривожланиши узлуксизлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг касбий билим, кўникма ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш орқали мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия жараёнларининг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган “Методик маҳорат кунни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини (шакллари) ташкил этиш ҳақида сўз юритилган.

Резюме:

«День методического мастерства» и «Час методического мастерства» направлены на повышение качества и эффективности образовательного процесса в дошкольных образовательных организациях путем создания необходимых условий для обеспечения непрерывности профессионального развития педагогических кадров дошкольных образовательных организаций, путем регулярного повышения их квалификации. обсуждаются профессиональные знания, умения и навыки организации мероприятий (форм).

Summary:

"Day of Methodological Mastery" and "Hour of Methodological Mastery" are aimed at improving the quality and effectiveness of the educational process in preschool educational organizations by creating the necessary conditions for ensuring the continuity of professional development of teaching staff of preschool educational organizations, through regular improvement of their qualifications. professional knowledge, skills and abilities in organizing events (forms) are discussed.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан таълим тизимини жумладан мактабгача таълимни ривожлантириш, унинг сифат ва самарадорлигини таъминлаш, замонавий кўникмалар ва кенг дунёқарашга



эга замонавий кадрлар тайёрлаш ҳамда жамиятда педагогларнинг нуфузини кўтариш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Таҳлилларга кўра, ўтган йиллар давомида мактабгача таълим тизимидаги педагог ходимларнинг атиги 8-9 фоиз қисми малака ошириш жараёнида камраб олинган. Агар мазкур суръатларда педагог ходимлар малакаси ошириладиган бўлса, ҳар бир педагог 11 йилда бир маротаба ўз малакасини оширишига тўғри келади. Ваҳоланки, қонунчиликка мувофиқ, педагоглар ҳар 5 йилда бир маротаба ўз малакасини ошириши лозим.

Бунда, мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича «Виртуал касбий ривожлантириш» электрон дастури жорий этилиши билан бирга 2025 йил 1 январдан бошлаб мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини касбий ривожлантиришнинг жорий этиш тартиби белгиланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 30-сентябрдаги “Мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-152-сон Фармони ҳамда 2024-йил 30-сентябрдаги “Мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-152-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим тизимидаги раҳбар ва педагог ходимларнинг узлуксиз касбий ривожлаништириш бўйича механизмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Шу нуқтаи назардан, Мазкур Низом лойиҳаси Мактабгача таълим тизими раҳбар ва педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланишини тақомиллаштириш таълим тизимининг сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Мактабгача таълим муассасасининг самарали ишлаши учун жавобгар, педагог ходимларнинг касбий ривожланишига йўналтириш ва болаларни таълим-тарбиялаш жараёнида бевосита иштирок этади, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириши учун етарлича асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Мактабгача таълим ташкилоти педагог ходимлари – мактабгача таълим ташкилотида фаолият кўрсатувчи директор, директор ўринбосари, тарбиячи, муסיқа раҳбари, психолог, дефектолог, логопед, жисмоний тарбия йўриқчиси ва тил ўқитувчилари (кейинги ўринларда – педагог ходимлар).

“Методик маҳорат куни” – таянч мактабгача таълим ташкилотларида тренерлар (ментор) томонидан бириктирилган мактабгача таълим ташкилотлари директор ўринбосарларини (кейинги ўринларда – етакчи педагог) мақсадли тайёрлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, ижодий ишлаш



ва ўз билимини мунтазам бойитиб бориш учун ўқув-семинар, тренинг, маҳорат дарслари ва мустақил таълим тадбирлари ўтказилиши белгиланган ҳафтанинг муайян куни;

“Методик маҳорат соати” – касбий ривожланиш кунларида ташкил этилган ўқув машғулотида директор ўринбосарлари томонидан ўзлаштирилган янги билим ва кўникмаларни ўзлари фаолият кўрсатаётган мактабгача таълим ташкилотларида қўллашларини таҳлил қилиш, уларга зарур методик ёрдам кўрсатиш, касбий ривожланиш учун тавсиялар бериш, гуруҳларда таълим-тарбия жараёнини кузатиш, рефлексив амалиёт ҳамда мактабгача таълим ташкилоти педагоглари учун малака ошириш тадбирлари ўтказиладиган соатлар;

мастер-тренерлар – тренерлар (ментор) учун ўқув машғулотларини ўтказадиган ҳамда уларга методик жиҳатдан кўмак берувчи юқори малакали мутахассислар ҳамда хорижий экспертлар;

тренерлар (ментор) – **“Методик маҳорат куни”** ва **“Методик маҳорат соати”** тадбирларини ташкил этиш учун танлаб олинган юқори малакали директор ўринбосарлари;

иштирокчилар - **“Методик маҳорат куни”** ва **“Методик маҳорат соати”** тадбирларига жалб қилинган мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимлари.

таянч мактабгача таълим ташкилотлари – **“Методик маҳорат куни”** ўқув машғулотида ўтказиладиган давлат мактабгача таълим ташкилотлари;

координатор – **“Методик маҳорат куни”** ва **“Методик маҳорат соати”** тадбирларини ташкил этишга умумий раҳбарлик ва мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган давлат мактабгача таълим ташкилоти директори.

“Виртуал касбий ривожлантириш” электрон дастури - мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ва мутахассис кадрларини узлуксиз касбий ривожлантириш электрон дастури (платформаси).

Рефлексив амалиёт - бу одамнинг, хусусан педагогнинг ўзи нима қилаётгани ҳақида ўйлаб, мулоҳаза юритишидир.

“Методик маҳорат куни” ва **“Методик маҳорат соати”** тадбирларининг мақсади таълим сифатини таъминлаш, жараёнга инновацияларни, илғор педагогик ва рақамли технологияларни кенг жорий этиш, педагог ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш ва методик тайёргарлигини такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

“Методик маҳорат куни” ва **“Методик маҳорат соати”** тадбирларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:



илғор хорижий тажрибаларни мактабгача таълим ташкилотларига жорий қилиш;

педагог ходимларга замонавий педагогик ва инновацион таълим технологияларини ўзлаштириш учун шароит яратиш;

педагог ходимларнинг ўзи устида мустақил ишлаши ва илғор педагогик тажрибаларни ўрганишини ташкил этиш;

педагог ходимларни такомиллаштирилган янги методикалар билан таълимлаштириш;

педагог ходимларга ўзаро тажриба алмашиш, шу жумладан, “Устоз-шоғирд” тизимида ҳамкорлик қилиш имкониятини яратиш;

педагог ходимларга ўзаро гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёнини кузатиши, рефлексив амалиёти ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилоти негизида малака ошириши учун имконият яратиб бериш.

“Методик маҳорат куни” Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этиш тизимига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг мувофиқлаштирувчи кенгаши (кейинги ўринларда – Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши);

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мактабгача ва мактаб таълими бошқармаларининг ишчи гуруҳлари (кейинги ўринларда – Худудий ишчи гуруҳлар);

туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларининг ишчи гуруҳлари (кейинги ўринларда – туман (шаҳар) ишчи гуруҳи);

“Методик маҳорат куни” тадбирлари ташкил қилинадиган таянч мактабгача таълим ташкилотлари;

“Методик маҳорат соати” тадбирлари ташкил этиладиган давлат мактабгача таълим ташкилотлари.

Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирлари учун дастурлар ва ўқув материалларини ишлаб чиқиш бўйича соҳанинг малакали мутахассисларидан иборат мастер-тренерлар гуруҳини шакллантиради;

мастер-тренерлар гуруҳи томонидан “Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирлари ўқув материалларининг (ўқув режа, ўқув дастури, тақдимот, тарқатма материаллар, назорат ва баҳолаш материаллари) ишлаб чиқилишини ташкил қилади, тасдиқлайди ва мунтазам янгиллаб борилишини таъминлайди;



тренерлар (ментор)ни тайёрлаш учун қисқа муддатли ўқувларнинг ўқув-методик таъминотини (ўқув-мавзу режа, ўқув дастури, назарий ва амалий машғулотлар материалларини, тақдимот, тарқатма материаллар, назорат ва баҳолаш материалларини) ишлаб чиқилишини ташкил қилади;

тренерлар (ментор)ни тайёрлаш учун махсус тренингларни ташкил қилади;

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларининг ўқув материалларини ҳудудий ишчи гуруҳларга етказилишини таъминлайди;

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларининг ташкил этилиши устидан умумий назоратни ўрнатади ва мувофиқлаштиради;

Таянч давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги ўқувлар ва давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги методик маҳорат тадбирларининг ташкил этилишини сайланма тарзда ўрганади ва аниқланган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўради;

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этиш бўйича чорақлик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлайди.

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

Ҳудудий ишчи гуруҳларнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таянч давлат мактабгача таълим ташкилотлари рўйхатини шакллантиради;

туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари томонидан тақдим этилган тренерлар (ментор) таркибини тасдиқлайди;

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этади, назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

педагог ходимларнинг “Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларидаги давомати ва фаол иштироки, узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича “Виртуал касбий ривожлантириш” электрон дастуридаги ўқув машғулотларига иштирокини доимий назорат қилади;

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этиш жараёнида тартиб-қоидаларнинг бузилишига йўл қўйилган ҳолатларда айбдорларга нисбатан белгиланган тартибда таъсир чораларини кўради;

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этиш бўйича туман (шаҳар) ишчи гуруҳларларига ўқув, методик ва ташкилий жиҳатдан кўмаклашади;



“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этишга доир тезкор маълумотларни туман (шаҳар) ишчи гуруҳларига етказилишини ва улардан олиншини таъминлайди;

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ҳудудда ташкил этиш тажрибасини таҳлил қилади ва мазкур тадбирларни такомиллаштириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгашига таклифлар киритади;

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этиш бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлайди ҳамда Республика мувофиқлаштирувчи кенгашига тақдим этади.

Ҳудудий педагогик маҳорат маркази тегишли ҳудудий ишчи гуруҳнинг ишчи органи ҳисобланади.

Туман (шаҳар) ишчи гуруҳларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таянч давлат мактабгача таълим ташкилотларида “Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди;

тасдиқланган режа ва дастурларга биноан таянч давлат мактабгача таълим ташкилотларида “Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

иштирокчиларнинг касбий эҳтиёжларидан келиб чиқиб “Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирлари, шу жумладан, ўқув машғулотларини олиб боришга малакали мутахассисларни тренер (ментор) сифатида жалб қилади;

таянч давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги “Методик маҳорат куни” тадбирларида иштирок этадиган етакчи педагогларнинг рўйхатини тасдиқлайди ва гуруҳларга тақсимлайди;

“Методик маҳорат куни” ўқувларида иштирокчиларнинг давомати ва “Виртуал касбий ривожлантириш” электрон дастурида ўқишини назорат қилади;

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этиш жараёнида тартиб-қоидаларнинг бузилишига йўл қўйилган ҳолатларда айбдорларга нисбатан белгиланган тартибда таъсир чораларини кўради;

тренерлар (ментор)га белгиланган устамаларнинг тайинланиши ва ўз вақтида тўланишини назорат қилади;

ҳар уч ойда бир марта тренерлар (ментор)нинг фаолияти юзасидан ҳисоботларини муҳокама қилади, аниқланган камчилик ва муаммоларни барта-раф этиш чораларини кўради;



“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этиш бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлайди ҳамда худудий ишчи гуруҳларга тақдим этади.

Таянч давлат мактабгача таълим ташкилотлари директорларининг вазифалари қуйидагилардан иборат.

“Методик маҳорат куни” ўқувлари учун зарур шароитларни (иштирокчилар гуруҳлари учун хоналарини ажратиш, компьютер ва проектор қурилмалари билан жиҳозлаш, интернет тармоғининг барқарор ишлашини таъминлаш) яратади;

“Методик маҳорат куни” тадбирларининг ташкил этилиши ҳолати, тренер ва иштирокчиларнинг давомати ҳақида тадбир ўтказилган куни туман (шаҳар) ишчи гуруҳларига маълумот тақдим этади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари директори - координаторнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

таянч давлат мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган ўқувларда иштирок этадиган етакчи педагог ҳақидаги маълумотларни туман (шаҳар) ишчи гуруҳларига тақдим этади;

таянч давлат мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган “Методик маҳорат куни” тадбирларига ташкилот етакчи педагогининг иштирокини таъминлайди;

ташкилотда “Методик маҳорат соати” тадбирларини тасдиқланган дастур асосида ташкил этилиши ва белгиланган тадбирларнинг тўла ва сифатли амалга оширилишига раҳбарлик қилади ва мувофиқлаштиради;

етакчи педагог томонидан иштирокчиларга “Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирлари дастурлари асосида маҳорат дарслари, тренинг машғулотлари, машғулотларни кузатиш ва рефлексив амалиётларни ташкил этилишини таъминлайди;

иштирокчиларнинг “Виртуал касбий ривожлантириш” электрон дастурида ўқишини назорат қилади;

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этиш жараёнида тартиб-қоидаларнинг бузилишига йўл қўйилган ҳолатларда айбдорларга нисбатан ўз ваколати доирасида белгиланган тартибда таъсир чораларини кўради;

ташкилотда “Методик маҳорат соати” тадбирларининг ташкил этилишига доир ҳафталик ва ойлик ҳисоботларни тайёрлайди, туман (шаҳар) ишчи гуруҳига тақдим этади.

“Методик маҳорат куни” тадбирларида иштирок этмаган етакчи педагогни иш кунида ўз иш жойида бўлмаган ходим сифатида қайд этилишини назорат қилади.



Тренерлар (ментор)нинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Тасдиқланган режа ва дастурларга биноан “Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларини юқори савияда ва самарали ташкил этиш чораларини кўради;

таянч мактабгача таълим ташкилотларида “Методик маҳорат куни” ўқувларининг назарий ва амалий машғулотларини муносиб тайёргарлик кўрган ҳолда ташкил қилади;

“Методик маҳорат соати” тадбирларида педагоглар томонидан таълим-тарбия жараёнига инновацияларни, илғор педагогик ва рақамли технологияларни кенг жорий этилишини ўрганади ва таълим сифатини ошириш юзасидан методик тавсиялар беради;

“Методик маҳорат куни” ўқувларида ўзлаштирилган материални иштирокчилар томонидан давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги “Методик маҳорат соати” тадбирларида амалда қўлланилаётганини сайланма тарзда ўрганади ва уларга методик тавсиялар беради;

“Методик маҳорат куни” ўқувлари самарадорлигини ошириш ва кейинги ўқув йилида дастурни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва туман (шаҳар) ишчи гуруҳига тақдим этади;

“Методик маҳорат соати” тадбирлари доирасида иштирокчиларнинг машғулотларини таҳлил қилади, уларга методик ёрдам кўрсатади, методик маҳорат ривожланиши бўйича тавсиялар беради;

“Методик маҳорат куни” тадбирларини ташкил этиш жараёнида тартиб-қоидаларнинг бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар ҳақида туман (шаҳар) ишчи гуруҳига маълум қилади;

“Методик маҳорат куни” тадбирида қатнашмаган иштирокчилар ҳақида тегишли давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари ва туман (шаҳар) ишчи гуруҳларига тадбир ўтказилган куни маълум қилади.

Мастер-тренер, тренер(ментор), етакчи педагог, координатор ва педагог ходимлар “Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларининг иштирокчилари ҳисобланади.

“Методик маҳорат куни” тадбирларига давлат мактабгача таълим ташкилотларининг етакчи педагоглари жалб қилинади.

Педагог ходимларнинг “Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларида иштирок этиши уларнинг ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориш бўйича мажбурияти ҳисобланади.

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларида фаол иштирок этиш, ўқув дастурида кўзда тутилган билим ва кўникмаларни ўзлаштириш, тадбирлар доирасида ўтказиладиган семинар ва очик дарсларда



ўз тақдимотлари билан қатнашиш педагогларнинг узлуксиз методик маҳорати ривожланишининг зарурий шарти ҳисобланади.

Методик маҳорат кунлари етакчи педагоглар учун асосан методик маҳоратни ривожлантириш тадбирларида иштирок этадиган **иш куни** ҳисобланади.

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирлари ўтказиладиган вақтда педагог ходимларни бошқа тадбирларга жалб қилинишига йўл қўйилмайди.

Етакчи педагогнинг “Методик маҳорат куни” тадбирларида узрли сабабларсиз иштирок этмаслиги шу куни **ишга келмаганлик** сифатида қайд этилади ва унга иш ҳақини ҳисоблашда амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобга олинади.

Ўқув йили давомида узрли сабабларсиз **“Виртуал касбий ривожлантириш”** электрон платформасида ташкил қилинган махсус ўқув курсида малака оширмаган педагогга нисбатан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда таъсир чоралари қўлланилади.

“Методик маҳорат куни” тадбирларини ташкил қилишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш;
- масофавий таълим;
- мустақил таълим.

“Методик маҳорат куни” тадбири Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан белгиланган ҳафта кунинда туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудири томонидан тасдиқланадиган машғулотлар жадвали асосида олиб борилади. Бунда, ҳар бир машғулот давомийлиги барча шакллар учун 45 дақиқани ташкил этади.

“Методик маҳорат соати” тадбири давлат мактабгача таълим ташкилоти директори томонидан тасдиқланадиган машғулотлар жадвали асосида олиб борилади. Бунда, давлат мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳлардаги машғулотлар билан мувофиқлаштирилган ҳолда 20-35 дақиқа давом этади.

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирлари доирасидаги ўқув машғулотлари маъруза, амалий машғулот, семинар, тажриба алмашиш, тренинг, интерфаол машғулотлар ва бошқа шаклларда олиб борилади.

Мастер-тренерлар Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, ҳудудий педагогик маҳорат марказлари, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари мутахассислари ва хорижий экспертлар орасидан танлаб олинади.



Мастер-тренерларни тайёрлаш учун махсус тренинглар ташкил қилинади.

Туман (шаҳар) ишчи гуруҳлар томонидан ўқув йилининг бошланишига қадар:

давлат мактабгача таълим ташкилотларида “Методик маҳорат соати” тадбирларини ташкил этишга масъул бўлган етакчи педагог ва иштирокчилар рўйхати шакллантирилади;

25-30 нафар педагоглардан иборат етакчи педагоглар гуруҳлари шакллантирилади ва тасдиқланади;

соҳанинг малакали мутахассислари орасидан танлаб олиш асосида ҳар бир гуруҳ учун 1 нафардан тренерлар (ментор) таркиби шакллантирилади ва тасдиқлаш учун ҳудудий ишчи гуруҳга тақдим этилади.

Тренерлар (ментор)ни танлашда унинг касбий маҳорати, фаоллиги ва лидерлик хусусиятлари ҳисобга олинади.

Ҳар йили 1-августга қадар мастер-тренерлар томонидан навбатдаги ўқув йили учун “Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” дастурлари ҳамда фойдаланиш учун ўқув контентлари ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ҳар йили 20-августга қадар тренерлар (ментор) учун семинар-тренинглари ташкил қилинади ва улар мастер-тренерлар томонидан ўқитилади.

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирлари ҳар ўқув йилининг октябр ойидан бошланади ва ҳафтанинг белгиланган кунларида ташкил қилинади.

“Методик маҳорат куни” тадбирлари белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув дастурлари асосида бевосита тренерлар (ментор) томонидан ташкил қилинади.

Тренерлар (ментор) томонидан “Методик маҳорат куни” ўқув машғулотлари маъруза, амалий, семинар, тажриба алмашиш, тренинг, интерфаол машғулотлар ва бошқа шаклларда инновацион, педагогик, мултимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланган ҳолда ўтказилади.

“Методик маҳорат куни” машғулотларида тренер (ментор) раҳбарлигида муайян мавзу бўйича тақдимотлари, шунингдек, янги методикаларга доир долзарб янгиликлар билан танишиш ва муҳокама қилиш ишлари амалга оширилади.

Тренерлар (ментор) “Методик маҳорат куни” ўқувларининг мавзулари мазмунини иштирокчиларга тушунтиради ва ўтилган материални амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар беради.



“Методик маҳорат куни” доирасида таянч мактабгача таълим ташкилотларида тренерлар (ментор) томонидан бириктирилган мактабгача таълим ташкилотлари етакчи педагоглари учун ўқув машғулоти ўтказилади.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги “Методик маҳорат соати” тадбирлари тасдиқланган жадвал асосида етакчи педагоглар томонидан ташкил қилинади.

“Методик маҳорат соати” доирасида етакчи педагог томонидан педагог ходимлар фаолияти таҳлил қилинади, уларга методик ёрдам кўрсатилади ва касбий ривожланиши бўйича тавсиялар берилади.

“Методик маҳорат куни” тадбирларидаги етакчи педагогларнинг давомати тренерлар (ментор) томонидан электрон қайдномага киритилади.

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларида тўлиқ иштирок этган етакчи педагогларга ҳамда “Виртуал касбий ривожлантириш” электрон дастуридаги ўқувларни муваффақиятли тугатган педагог ходимларга электрон генератсия қилинган ва электрон рақамли имзо (ҚР-код) билан тасдиқланган сертификат берилади.

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларининг сифатини назорат қилиш республика мувофиқлаштирувчи кенгаши, ҳудудий ҳамда туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилади.

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирларининг сифатини назорат қилиш уларни бевосита кузатиш ва таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

“Методик маҳорат куни” ва “Методик маҳорат соати” тадбирлари дастурларини такомиллаштириш ва тренерлар (ментор)нинг фаолиятини баҳолаш мақсадида иштирокчиларнинг билим ва кўникмалари сайланма тарзда электрон платформа орқали диагностикадан ўтказилиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 сентябрдаги “Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 231-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 152-сон Фармони.